Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*



**Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги  
ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик  
қилиш тўғрисида  
БИТИМ**

*2013 йил 5 ноябрь, Мадрид*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2022 йил 10 февралдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

халқаро жиноятчилик давлатларнинг ривожланишига ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солишини англаган ҳолда,

жиноятчиликка, айниқса, унинг уюшган шаклларига қарши курашда ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш муҳимлигини инобатга олиб,

жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликка катта эътибор қаратган ҳолда умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига лозим даражада риоя этиш билан ушбу соҳада имкон қадар кенгроқ ва самарали ҳамкорлик қилиш истагини билдириб,

тенглик, ўзаролик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тамойилларига таянган ҳолда,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

**Ҳамкорлик соҳаси**

1. Томонлар ўз миллий қонунчиликлари ва ушбу Битим қоидаларига мувофиқ, ўз ваколатли органлари орқали жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган шаклларига қарши курашда ҳамкорлик қиладилар.

2. Томонларнинг ваколатли органлари ушбу Битимни амалга оширишда бир-бирлари билан бевосита ҳамкорлик қиладилар.

**2-модда**

**Ҳамкорлик йўналишлари**

1. Томонлар қуйидаги жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик қиладилар:

- а) терроризм, уни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш;
- б) ҳаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар;
- в) одам савдоси, инсон органлари ва тўқималари савдоси ҳамда ноқонуний миграция;
- г) гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларининг ноқонуний муомалада бўлиши;
- д) қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ҳамда бошқа хавфли

моддалар, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларнинг ноқонуний муомалада бўлиши ҳамда ноқонуний савдоси;

е) радиоактив моддалар, биологик ва ядровий материалларни ўғирлаш, уларнинг ноқонуний муомалада бўлиши ҳамда ноқонуний савдоси. Улардан белгиланмаган мақсадда фойдаланиш, улар билан таҳдид қилиш ёки улардан лозим даражада фойдаланмаслик;

ж) ноқонуний молиявий операциялар, иқтисодий ва солиққа оид жиноятлар ҳамда жиноий фаолият йўли билан олинган фойдаларни легаллаштириш;

з) давлат хизмати соҳасидаги коррупция;

и) валюта, қимматли қоғозлар, чеклар ва бошқа тўлов воситаларини, шахсни тасдиқловчи ва йўл ҳужжатларини қалбакилаштириш (босиб чиқариш ёки ўзгартириш) ҳамда улардан ноқонуний фойдаланиш;

к) жинсий эркинликка қарши, жумладан вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар. Вояга етмаганларнинг шахвоний тасвирларини ишлаб чиқариш, тарқатиш, тақдим этиш ҳамда ёш болалар порнографиясини ҳосил қилувчи ёки ўзида сақловчи материаллар билан боғлиқ исталган фаолият;

л) мулкка қарши жиноятлар, шу жумладан тарихий қадр-қимматга эга бўлган ва санъат асарлари ҳисобланган маданий бойликларни ўғирлаш ва уларнинг ноқонуний муомалада бўлиши;

м) автотранспорт воситаларини ўғирлаш, уларнинг ноқонуний муомалада бўлиши ва савдоси, ҳужжатларни сохталаштириш ҳамда сохта ҳужжатлардан фойдаланиш, шунингдек улар билан боғлиқ бошқа ноқонуний операциялар;

н) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар;

о) маданий ва тарихий бойликларга алоқадор буюмлар, санъат асарлари, қимматбаҳо тошлар ва металллар, интеллектуал мулк, шунингдек бошқа бойликларнинг ноқонуний муомалада бўлиши.

### **3-модда**

#### **Ҳамкорлик шакллари**

1. Томонлар куйидаги шаклларда ҳамкорликни амалга оширадилар:

а) жиноятларни фош этиш, олдини олиш, шунингдек ушбу Битимнинг 2-моддасига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этишга ёрдам бериши мумкин бўлган маълумотлар билан алмашиш;

б) шахслар, ташкилот, муассаса ва корхоналар фаолиятини ҳамда товарлар ва ҳужжатларни текшириш орқали ушбу Битимнинг 2-моддасида кўзда тутилган жиноятларни фош этишда кўмаклашиш;

в) шахсларни идентификация қилиш ва мурдаларни таниб олишда кўмаклашиш;

г) гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларини назорат остида етказиб бериш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

д) семинарлар, ўқув курслари ва маслаҳатлашувларни ташкил қилиш йўли билан тажриба ва мутахассислар билан алмашиш;

е) техникавий ва илмий-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда ихтисослаштирилган жиҳозлар ҳақида маълумотлар алмашиш;

ж) контрабанда, айниқса гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар контрабандасининг олдини олиш мақсадида чегара ва божхона назоратини мустаҳкамлаш бўйича зарур ҳуқуқий, маъмурий ва муҳофаза чораларини кўриш.

2. Томонлар ушбу Битим доирасида ўзаро келишув асосида Битимнинг мақсадларига мос келиши шарти билан бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилишлари мумкин.

3. Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорлик ҳар қандай ҳолда ҳам жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва суд ёрдамини таъминлаш ёки Европа ҳибсга олиш ордери предмети ҳисобланадиган ҳуқуқбузарларни ушлаб бериш ёки топшириш масалаларини ўз ичига олмаслиги лозим.

4. Ҳамкорлик ҳажми ва муайян шакллари ваколатли органларнинг келишувига кўра эҳтиёж ва шароитларни, шунингдек бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

#### **4-модда**

##### **Оғир жиноятлар ҳақида маълумотлар алмашиш**

Ушбу Битимнинг 3-модда 1-қисми «а» бандида кўзда тутилган маълумотларни алмашиш шу жумладан куйидаги жиноятларга дахл қилади:

а) бир Томон ҳудудида жиний гуруҳлар тарафидан тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар, агар бошқа Томон фуқаролари бундай фаолиятга жалб этилган бўлса;

б) гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларининг ноқонуний муомалада бўлиши;

в) жиний фаолиятдан олинган фойдаларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, агар бундай фаолият Томонлардан бирининг ҳудудида амалга оширилса.

#### **5-модда**

##### **Жиний фаолият ҳақида маълумот алмашиш**

Томонлар, шунингдек, куйидагилар тўғрисида маълумот алмашадилар:

а) жиноятларни содир этиш усуллари ва методлари, уюшган гуруҳлар ва ташкилотларнинг таркиби, тузилиши, фаолият соҳаси ва жиний алоқалари;

б) гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларининг ноқонуний муомалада бўлиш усуллари яшириш мақсадида фойдаланиладиган маршрутларни ошкор қилиш тизими, гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларининг янги тенденциялари;

в) террорчилик гуруҳларини молиялаштириш ва технологиялардан фойдаланиш усуллари, таркиби ва тузилиши;

г) ушбу Битимнинг 2-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда гумон қилинувчи Томонлардан бирининг ҳудудида доимий ёки вақтинчалик яшайдиган бошқа Томон фуқаролари.

## 6-модда

### Ҳамкорликни амалга ошириш шартлари

1. Ушбу Битим доирасида кўзда тутилган маълумот алмашинуви ва тадбирлар ўтказиш ҳақидаги сўровлар бевосита Томонларнинг ваколатли органларига дипломатик каналлар орқали ёки Интерпол миллий бюроси орқали ёзма равишда юборилиши лозим.

Сўров уни юбораётган ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан имзоланади ва гербли муҳри билан тасдиқланади. Шошилиш ҳолларида, ваколатли орган батафсил маълумотни ҳар қандай хавфсиз алоқа каналлари орқали оғзаки равишда тақдим этиши сўнгра уни ёзма шаклда тасдиқлаши мумкин.

2. Маълумотлар бўйича ҳар қандай сўров ушбу Битимга мувофиқ уни асословчи сабаб ва қисқа тавсифдан иборат бўлиши лозим.

3. Ушбу моддада назарда тутилган ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров сўралаётган Томоннинг миллий қонунчилиги асосида, шунингдек, ушбу Томоннинг қонунчилигига зид келмаган тақдирда сўровда қайд этилган тартибларга мувофиқ амалга оширилади. Агар сўровда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш бундай сўровни олган органнинг ваколатига кирмаса, мазкур орган сўровни ўз давлатининг тегишли ваколатли органига тақдим этади ва бу ҳақда сўровни юборган Томонни хабардор қилади.

4. Ваколатли органлар, башарти маълумотлар бошқа Томон учун қизиқиш уйғотиш мумкин деб ҳисоблаш учун асос мавжуд бўлса, ўз тергов жараёнига зарар етказмаган ҳолда, олдиндан олинган сўровларсиз ўз ташаббуслари билан ушбу Битим доирасида тегишли маълумотларни юборишлари мумкин.

5. Сўровларни бажариш қисқа муддатлар ичида амалга оширилиши лозим. Зарур ҳолларида, ваколатли органлар мазкур сўровнинг бажарилишини енгиллаштирадиган қўшимча маълумотлар талаб қилишлари мумкин.

## 7-модда

### Сўровларни рад этиш

1. Ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров тўлиқ ёки қисман рад этилиши мумкин, агар унинг ижроси:

а) инсон ҳуқуқларининг бузилишига, давлат суверенитети ёки миллий хавфсизлигига зарар етказилишига олиб келиши мумкин бўлса;

б) жамоат манфаатларига ёки сўралаётган Томоннинг миллий қонунчилигига зид келса;

в) сўралаётган Томон ҳудудида олиб борилаётган тергов ва бошқа жараёнларга зарар келтирадиган бўлса;

г) сўралаётган Томон судининг қарорига ёки суд ҳукмини ижро қилишига зид келса.

2. Агар ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров рад этилса, сўралаётган Томоннинг ваколатли органи сўровни рад этиш сабаблари ҳақида ёзма шаклда сўраётган Томонни хабардор қилади.

## 8-модда

### Ҳамкорликнинг бошқа шакллари ва кадрларни тайёрлаш

1. Томонлар ушбу Битимнинг 2-моддасида қайд этилган жиноятларнинг олдини олишга йўналтирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқий ва маъмурий тизимлар асосида ҳам ҳамкорлик қиладилар.

2. Томонлар ўз ваколатли органларига қуйидагиларни қамраб олувчи алоҳида битимлар тузишни топширадилар:

а) улар ўртасида алоқа каналларини ўрнатиш ва йўлга қўйиш, жиноятларнинг барча жабҳалари бўйича тегишли маълумотларни ишончли алмашиш ҳамда ушбу Битимнинг 2-моддасида қайд этилган бошқа масалаларни ҳал этиш;

б) қайд этилган жиноятларнинг, айниқса, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишини олдини олиш мақсадида бошқа ҳаракатларни амалга ошириш, агар бундай ҳаракатлар Томонларнинг миллий қонунчилигига зид келмаса.

3. Томонлар жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида фан ва техника соҳасидаги илмий-тадқиқот дастурларини амалга оширишда бир-бирларига кўмаклашадилар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли асосларда ҳамкорлик қиладилар.

## 9-модда

### Маълумотлардан фойдаланиш

1. Томонлар, башарти ўз ваколатли органлари бир-бирларидан оладиган маълумотлар ёпиқ хусусиятга эга бўлса ёки уларни тақдим қилаётган Томон ошкор қилинишини лозим деб топмаса, ваколатли органлар тарафидан бундай маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши тўғрисида келишиб олдилар.

2. Ушбу Битим доирасида олинган техник воситалар, ускуналар ва материаллар ҳақидаги маълумотларни учинчи томонга топшириш зарурати тувилса, уларни тақдим этган ваколатли органнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

3. Ушбу Битим доирасида тақдим этилаётган шахсий маълумотларни ўрганиб чиқиш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

а) зарур ҳолларда, тақдим этаётган Томон бундай маълумотларнинг ишончилигини, шунингдек тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди. Жисмоний шахслар тўғрисида маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Битимнинг амал қилиши тугатилган тақдирда, илгари олинган барча маълумотлар йўқ қилиниши лозим;

б) шахсий маълумотларни тақдим этиш ва қабул қилиш ҳолатлари рўйхатдан ўтказилиши лозим ҳамда бегона шахслар томонидан маълумотларнинг рухсатсиз ўзгартирилиши, йўқ қилиниши ёки ошкор қилинишидан самарали ҳимоя таъминланиши лозим;

в) сўров асосида қабул қилаётган Томон тақдим қилинган маълумотлардан фойдаланиш ва улар асосида олинган натижалар ҳақида тақдим қилган Томонни хабардор қилади.

### **10-модда**

#### **Ваколатли органлар ўртасидаги битимлар**

Ушбу Битим қоидаларини амалга ошириш мақсадида Томонларнинг манфаатдор ваколатли органлари идоралараро битимлар тузишлари мумкин.

### **11-модда**

#### **Сарф-харажатлар ва мажбуриятлар**

1. Ушбу Битимни амалга ошириш бўйича сарф-харажатларни Томонлар ўз мажбуриятларини бажаришлари учун зарур даражада мустақил равишда қоплайдилар.

2. Зарур ҳолларда, Томонлар ушбу Битимни амалга оширишдан келиб чиқадиган харажатларни ҳар бир алоҳида ҳолатда ўзаро келишилган ҳолда қоплайдилар. Биргаликдаги харажатлар бўйича Томонларнинг мажбуриятлари мазкур келишувлар билан тартибга солинади.

3. Томонлар зарур ҳолларда, ушбу Битимнинг 2-моддасида қайд этилган жиноятларнинг олдини олиш бўйича муайян масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ускуна ва материаллар етказиб бериш орқали бир-бирларига беғараз ёрдам беришлари мумкин.

### **12-модда**

#### **Ваколатли органлар**

1. Ушбу Битимнинг амалий бажарилишига жавобгар органлар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси учун: Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси;

Испания Қироллиги учун: Ички ишлар вазирлиги, бошқа тегишли вазирликларнинг ваколатига зарар етказмаган ҳолда.

2. Ҳар бир Томон ўз ваколатли органларидаги ўзгаришлар ҳақида дипломатик каналлар орқали бошқа Томонни хабардор қиладилар.

### **13-модда**

#### **Ҳамкорлик тили**

Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорликни амалга ошириш инглиз тилида олиб борилади.

### **14-модда**

#### **Қўшма комиссия**

1. Ушбу Битим қоидаларини амалга ошириш мақсадида Томонлар ўз ваколатли вакилларида иборат бўлган Қўшма комиссия тузишлари мумкин.

2. Қўшма комиссия зарур ҳолларда навбат билан Ўзбекистонда ва Испанияда ўзаро қизиқиш уйғотадиган масалаларни кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича ўзаро мақбул қарорларни қабул қилиш учун йиғилиши мумкин.

### **15-модда** **Низоларни ҳал этиш**

Ушбу Битим қоидаларини талқин этиш ёки қўллашда юзага келадиган низоли масалалар Томонлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар ёки музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

### **16-модда** **Бошқа битимларга алоқадорлик**

Ушбу Битим қоидалари Томонлар иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

### **17-модда** **Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш**

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ҳамда алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Мазкур ўзгартишлар ушбу Битимнинг 18-моддасига мувофиқ кучга киради.

### **18-модда** **Битимнинг кучга кириши, амал қилиш муддати ва тугатилиши**

1. Ушбу Битим Томонлар тарафидан унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида сўнги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб кучга киради.

2. Ушбу Битим номуайян муддатга тузилади ва Томонлардан бири ушбу Битимни тугатиш нияти тўғрисида дипломатик каналлар орқали бошқа Томонни ёзма шаклда хабардор қилгунига қадар амал қилишда давом этади.

Бундай ҳолда Битимнинг амал қилиши бошқа Томон мазкур тугатиш ҳақидаги ёзма хабарномани олган кундан бошлаб олти ойдан сўнг тугатилади.

Мадрид шаҳрида 2013 йил 5 ноябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, испан ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

*(имзолар)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан  
Туркменистон Ҳукумати ўртасида ўзбек-туркман  
чегараолди савдо зонаси — савдо маркази фаолиятини  
ташқил этиш ва тартибга солиш тўғрисида  
БИТИМ**

*(2021 йил 5 октябрь, Тошкент)*

*Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
«Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил  
18 январдаги ПҚ-91-сон қарори билан тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2022 йил 11 февралдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркменистон Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

2017 йил 6 мартдаги Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Битим, шунингдек, 2018 йил 23 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида минтақалараро ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга амал қилиб,

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг тарихий ва маданий муштараклиги, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини инobatга олган ҳолда,

махаллий даражадаги ўзаро муносабатларнинг долзарб масалаларини тезкор ҳал қилишда ва тарихан ўрнатилган алоқаларни чуқурлаштиришда минтақалараро ҳамкорликнинг амалий аҳамияти ҳамда салоҳиятини қайд этиб,

тенглик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатдорлик принципларга асосланган минтақалараро ва чегаралараро ҳамкорликни ривожлантириш ниятида, икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш мақсадида,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Томонлар қўшни ҳудудларда Ўзбек-Туркман чегара савдо зонасини — Савдо марказини (кейинги ўринларда — СМ) ташқил этишга келишиб олдилар.

СМ икки давлатнинг чегарадош ёндош ҳудудларида жойлашган ўзбек ва туркман қисмларидан иборат. СМнинг ўзбек қисми Ўзбекистон Республикаси юрисдикцияси остида, СМнинг туркман қисми Туркменистон юрисдикцияси остида жойлашган.

Мазкур Битимга мувофиқ, Томонлар СМ майдони, ҳудуди чегаралари-



ни, халқаро қатнов, СМнинг ўзбек ва туркман қисмларининг жойлашув схемасини белгилайдиган алоҳида шартнома тузадилар.

## **2-модда**

СМнинг асосий фаолият йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

халқаро ҳамда минтақавий улгуржи-чакана савдонинг замонавий шакллари ривожлантириш;

хизматларнинг логистика турларини ривожлантириш, автомобил ва дарё транспорти иштирокида юкларни интермодал ташиш тизимини йўлга қўйиш, юк ташувчиларга хизмат кўрсатиш;

омбор иншоотлари, контейнер майдончаларини, транспорт воситалари учун тўхташ жойларини, музлатгичларни ва бошқа зарур объектларни яратиш;

савдо маркази фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш.

## **3-модда**

Савдо марказининг ўзбек ва туркман қисмларини бошқаришга масъул бўлган Томонлар давлатларининг ваколатли органлари (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси томонидан — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги;

Туркменистон томонидан — Туркменистон Савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги.

Ваколатли органлар билан боғлиқ ўзгаришлар юз берган тақдирда, Томонлар бундай ўзгаришлар тўғрисида дипломатик каналлар орқали бир-бирларини хабардор қиладилар.

## **4-модда**

СМ ҳудудида Томонларнинг ваколатли органлари тарафидан белгиладиган ва келишилган фаолият турлари улар ҳудудида амалга ошириладиган Томон қонунчилигига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

СМ ҳудудида фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар уларни ҳал қилиш учун ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

## **5-модда**

СМда божхона ва солиққа тортиш ва бошқа соҳаларда Томонлар давлатларининг чегарадош ҳудудлари иқтисодиёти ва савдосининг ривожланишига кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек, шахслар ҳаракати учун қулай шарт-шароитлар яратиш тартиби Томонлар тарафидан қўшимча равишда белгиланади.

СМнинг ўзбек қисми ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига мувофиқ имтиёзлар ва преференциялар берилади.

СМнинг туркман қисми ҳудудида Туркманистоннинг миллий қонунчилигига мувофиқ имтиёзлар ва преференциялар берилади.

СМ ҳудудида солиққа тортиш икки давлат қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркманистон Ҳукумати ўртасида даромадлар ва мол-мулкка икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик тўғрисидаги Битимга (1996 йил 16 январь) мувофиқ амалга оширилади.

### **6-модда**

Транспорт инфратузилмаси, сув таъминоти, электр энергияси, телекоммуникация ва бошқа муҳандислик коммуникациялари, махсус ўтиш жойи, назорат ва текшириш учун пункт (коридор), маъмурий бошқарув, шунингдек, СМнинг ҳар бир қисми ҳудудида тўсиқларни лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ белгиланган манфаатдор ташкилотлар тарафидан амалга оширилади.

СМ ҳудудида савдо-кўргазма объектлари, турли иш жойлари, терминаллар ва тижорат фаолияти учун бошқа объектлар қурилишини молиялаштириш икки давлат корхоналари ёки қўшма корхоналар тарафидан ўз маблағлари, шунингдек, Томонлар давлатлари қонунчилигида таъқиқланмаган манбалар ҳисобидан тасдиқланган ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

### **7-модда**

СМ ҳудуди доирасида шахслар, товарлар ва транспорт воситалари эркин ҳаракатланади.

СМни бошқариш принциплари ҳар бир давлатнинг — ўтказиш пунктларининг режим зоналарини тартибга солиш, давлат чегараси бўйлаб ҳаракатланиш соҳасидаги миллий қонунчилигига асосланади.

СМнинг ўзбек ва туркман қисмларини бошқариш — ўтказиш пунктларининг режим зоналари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

СМнинг бир қисми ёки ундан давлат чегараси орқали шахслар, юклар ва транспорт воситаларининг ўтиши назорати Томонлар давлатлари қонунчилигига ва иштирокчилари бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

СМнинг ўзбек ва туркман қисмларида Томонлар давлатларининг давлат чегараси орқали шахслар, товарлар ва транспорт воситаларининг ўтишини назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳар бир Томон давлатлари қонунчилигига мувофиқ, чегара, божхона, транспорт, карантин, санитария-эпидемиология назорати органлари ва бошқа органлар назоратни амалга оширадиган, ҳуқуқ-тартиботни таъминлайдиган ва жамоат хавфсизлигини қўриқлайдиган, шахслар, товарлар (юклар) ва транспорт воситалари ҳаракатини назорат қилиш учун пункт (коридор) ташкил этилади.

### **8-модда**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Туркманистон фуқаролари-

нинг СМга 10 кунгача кириши ва чиқиши амалдаги халқаро саёҳат учун ҳужжатлар асосида визасиз амалга оширилади.

Мазкур модданинг қоидалари, башарти Томонлар давлатларининг қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Томонлар давлатларида қонуний яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Вояга етмаганлар СМга кириши ва чиқиши ота-оналардан бири ҳамроҳлигида шахсини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Шахсларни СМ ҳудудидан қайтишига фақат улар келган назорат-ўтказиш пункти орқали рухсат берилади.

Башарти бошқа Томон давлати ҳудудида чет элга чиқиш зарур бўлса, шахслар ва транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида давлат чегараси орқали ўтиш пунктлари тўғрисидаги Битимга (2007 йил 18 октябрь) мувофиқ назорат-ўтказиш пунктлари орқали ҳаракатланади.

### **9-модда**

СМ ҳудудида содир этилган ҳуқуқбузарликлар (божхона, солиқ, карантин, санитария-эпидемиология, маъмурий, жиноий ва бошқалар) улар ҳудудида содир этилган давлатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқилади ва Томонлар ўзаро ҳамкорликда ушбу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўради.

### **10-модда**

СМнинг ўзбек ва туркман қисмлари ҳудудларида валюта назорати ҳар бир Томон давлатининг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахслар тарафидан СМнинг ҳудудига ёки ундан нақд пул олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳар бир Томоннинг миллий қонунчилигида белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

СМ ҳудудида товарлар ва хизматлар савдоси учун пул маблағларини тўлаш ва ўтказиш ҳар бир Томон давлатининг миллий қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган жорий битимлар бўйича эркин конвертация қилиш принципига мувофиқ амалга оширилади.

### **11-модда**

СМнинг бир қисми ҳудудида Томонлардан бирининг фуқароларининг меҳнат фаолияти ўз давлатининг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

### **12-модда**

Мазкур Битимга мувофиқ, Томонлар тенглик принциплари асосида СМнинг жойлашуви, бошқа режимлар ва СМнинг яратилиши ва фаолият

тининг аниқ қоидалари тўғрисида келишиб оладилар ва уларни ҳуқуқий шаклларда тузатадилар.

### **13-модда**

Мазкур Битим Томонларнинг улар иштирок этаётган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

Томонларнинг ўзаро келишувига биноан, мазкур Битимга алоҳида баён-нома билан расмийлаштириладиган, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

### **14-модда**

Мазкур Битим қоидаларини қўллаш ва талқин қилишда юзага келадиган келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

### **15-модда**

Мазкур Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари ҳақида сўнгги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим Томонлардан бирининг дипломатик каналлари орқали бошқа Томонни мазкур Битимни тугатиш нияти тўғрисида ёзма хабарнома олган кундан бошлаб олти ой ўтгунга қадар амал қилади.

Тошкент шаҳрида 2021 йил 5 октябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

**(имзолар)**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон  
Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 2018 йил 9 мартда  
имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан  
Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида  
фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги  
Битимга қўшимчалар киритиш тўғрисида  
БАЁННОМА**

*2021 йил 10 июнь, Душанбе*

*Мазкур Баённома Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 20 апрелдаги ПҚ–213-сон-сонли «Халқаро шартномани  
тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2022 йил 22 апрелдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

2018 йил 9 мартда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги Битимнинг (кейинги ўринларда — Битим) 14-моддасига биноан,

**қўйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Битимнинг 1-моддаси қўйидаги мазмундаги 3 ва 4-бандлар билан тўлдирилсин:

«3. Бир Томон давлатининг бошқа Томон давлати ҳудудида бўлиб турган фуқаролари қабул қилувчи Томон давлатининг давлат чегарасини кесиб ўтган пайтдан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ўзлари бўлиб турган Томон давлатининг ваколатли органларида рўйхатдан ўтиш ҳамда вақтинча рўйхатга қўйиш мажбуриятларидан озод этиладилар.

4. Башарти Томонлардан бири давлатининг қонунчилиги шахсларнинг кириши, бўлиб туриши, рўйхатдан ўтиши ва вақтинчалик рўйхатда туриши ёки чиқиб кетишига нисбатан янада қулайроқ шароитларни ўрнатадиган бўлса, мазкур Томон давлати ҳудудида ўз давлатининг миллий қонунчилиги қўлланилади.»

**2-модда**

Мазкур Баённома Томонлар унинг кириши учун давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисидаги сўнгги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Баённома Битим тугатилган кундан бошлаб ўз кучини йўқотади.

Душанбе шаҳрида 2021 йил 10 июнда икки асл нусхада, хар бири ўзбек. тожик ва рус тилларида тузилди. бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Баённоманинг қоидаларини талқин қилишда тафовутлар юзага келган холларда, рус тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*

**ПРОТОКОЛ**  
**между Правительством Республики Узбекистан и**  
**Правительством Республики Таджикистан о внесении**  
**дополнений в Соглашение между Правительством Республики**  
**Узбекистан и Правительством Республики Таджикистан**  
**о взаимных поездках граждан от 9 марта 2018 года**

*Душанбе, 10 июня 2021 года*

*Настоящий Протокол утвержден постановлением Президента*  
*Республики Узбекистан от 20 апреля 2022 года № ПП–213*  
*«Об утверждении международного договора»*

*(Вступил в силу для Республики Узбекистан*  
*22 апреля 2022 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Таджикистан, в дальнейшем именуемое Сторонами,

руководствуясь статьей 14 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Таджикистан о взаимных поездках граждан от 9 марта 2018 года (далее — Соглашение),

**согласились о нижеследующем:**

**Статья 1**

Статью 1 Соглашения дополнить пунктами 3 и 4 следующего содержания:

«3. Граждане государства одной Стороны, пребывающие на территории государства другой Стороны, освобождаются от обязанности регистрации и временной прописки в компетентных органах государства Стороны пре-

бывания в течение 10 (десяти) суток с момента пересечения государственной границы принимающего государства Стороны.

4. В случае, если в отношении въезда, пребывания, регистрации и временной прописки или выезда национальное законодательство государства одной из Сторон устанавливает более благоприятные условия, чем настоящее Соглашение, на территории государства этой Стороны принимается национальное законодательство своего государства.».

## **Статья 2**

Настоящий Протокол вступает в силу с даты получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящий Протокол прекращает свое действие со дня прекращения действия Соглашения.

Совершено в городе Душанбе 10 июня 2021 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, таджикском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий в толковании положений настоящего Протокола, преимущественную силу имеет текст на русском языке.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия  
Федерацияси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси  
фуқароларининг Россия Федерацияси ҳудудида ва Россия  
Федерацияси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси  
ҳудудида бўлишлари тартиби тўғрисида  
БИТИМ**

*2021 йил 17 июнь, Тошкент*

*2021 йил 21 май, Москва*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2022 йил 4 июндан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар, икки давлат ўртасида дўстона муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида,

1992 йил 30 майдаги Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага амал қилган ҳолда,

бир Томон давлати фуқароларининг бошқа Томон давлати ҳудудида бўлишлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга интилиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

1. Бир Томон давлати ҳудудида вақтинча бўлиб турган бошқа Томон давлатининг фуқаролари 15 кун мобайнида келиш давлатининг ваколатли органларида рўйхатдан ўтиш (яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиш) мажбуриятидан озод этиладилар.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган вақтинча бўлиб туриш муддати бир Томон давлатининг фуқароси бошқа Томон давлати ҳудудига чегара назорати органларининг белгиси билан тасдиқланган миграция картаси ёки бошқа Томон давлати ҳудудига киришда чегара назорати органлари тарафидан паспортга қўйиладиган белги билан тасдиқланган кириш санасидан ҳисобланади.

3. Бир Томон давлатининг фуқароси бошқа Томон давлати ҳудудида 15 кундан ортиқ бўлиб турган бўлса, ушбу фуқаро келиш давлат қонунчилигига мувофиқ унинг ваколатли органларида рўйхатдан ўтишга (яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиш) мажбур.

**2-модда**

Бир Томон давлатининг фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида бўлиб турган вақтда келиш давлати қонунчилигига риоя қилишлари лозим.



### **3-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ҳамда ушбу Битимнинг 4-моддасида назарда тутилган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

### **4-модда**

1. Мазкур Битим унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедуралари Томонлар тарафидан бажарилганлиги тўғрисида охириги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали қабул қилинган санадан кучга киради.

2. Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади. Ҳар бир Томон бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилиш орқали мазкур Битимнинг амал қилишини тугатиши мумкин. Бундай ҳолда, мазкур Битимнинг амал қилиши шундай хабарнома олинган санадан бошлаб 6 ой ўтгач тугатилади.

3. Ҳар бир Томон давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби ва соғлиқни сақлашни таъминлаш мақсадида мазкур Битим амал қилишини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриши мумкин. Қабул қилинган қарор тўғрисидаги ёзма хабарнома бундай тўхтатиб туришдан 72 соатдан кечиктирмасдан дипломатик каналлар орқали бошқа Томонга юборилади.

4. Ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган сабабларга кўра мазкур Битимнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган Томон худди шундай тартибда мазкур Битимнинг амал қилишини қайта тиклаганлиги тўғрисида бошқа Томонни хабардор қилади.

Тошкент шаҳрида 2021 йил 17 июнда ҳамда Москва шаҳрида 2021 йил 21 майда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, бунда ҳар иккала матн ҳам бир хил кучга эга.

*(имзолар)*

**СОГЛАШЕНИЕ**  
**между Правительством Республики Узбекистан и**  
**Правительством Российской Федерации о порядке**  
**пребывания граждан Республики Узбекистан на территории**  
**Российской Федерации и граждан Российской Федерации**  
**на территории Республики Узбекистан**

*Ташкент, 17 июня 2021 года*

*Москва, 21 мая 2021 года*

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан  
4 июня 2022 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации, именуемые в дальнейшем Сторонами,

в целях дальнейшего развития дружественных отношений между двумя государствами,

руководствуясь Договором об основах межгосударственных отношений, дружбе и сотрудничестве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 30 мая 1992 г.,

желая создать благоприятные условия для пребывания граждан государства одной Стороны на территории государства другой Стороны,

**согласились о нижеследующем:**

**Статья 1**

1. Граждане государства одной Стороны, временно пребывающие на территории государства другой Стороны, освобождаются от обязанности регистрации (постановки на учет по месту пребывания) в компетентных органах государства въезда в течение 15 дней.

2. Срок временного пребывания, указанный в пункте 1 настоящей статьи, исчисляется с даты въезда гражданина государства одной Стороны на территорию государства другой Стороны, подтвержденной миграционной картой с отметкой органов пограничного контроля, проставленной при въезде на территорию государства другой Стороны, или отметкой в паспорте, проставляемой органами пограничного контроля при въезде на территорию государства другой Стороны.

3. В случае пребывания гражданина государства одной Стороны на территории государства другой Стороны свыше 15 дней указанный гражданин обязан зарегистрироваться (встать на учет по месту пребывания) в компетентных органах государства въезда в соответствии с его законодательством.

**Статья 2**

Граждане государства одной Стороны во время пребывания на терри-

тории государства другой Стороны обязаны соблюдать законодательство государства въезда.

### **Статья 3**

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения, которые являются его неотъемлемой частью и оформляются отдельными протоколами, вступающими в силу в порядке, предусмотренном статьей 4 настоящего Соглашения.

### **Статья 4**

1. Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения последнего письменного уведомления по дипломатическим каналам о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

2. Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок. Каждая из Сторон может прекратить действие настоящего Соглашения, уведомив об этом другую Сторону в письменной форме по дипломатическим каналам. В этом случае настоящее Соглашение прекращает действие по истечении 6 месяцев с даты получения такого уведомления.

3. Каждая Сторона в целях обеспечения государственной безопасности, охраны общественного порядка и здоровья населения может приостановить действие настоящего Соглашения полностью или частично. Письменное уведомление о принятом решении направляется по дипломатическим каналам другой Стороне не позднее чем за 72 часа до такого приостановления.

4. Сторона, принявшая решение о приостановлении действия настоящего Соглашения по причинам, указанным в пункте 3 настоящей статьи, в том же порядке сообщает другой Стороне о возобновлении действия настоящего Соглашения.

Совершено в г. Ташкенте 17 июня 2021 г. и в г. Москве 21 мая 2021 г. в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

*(подписи)*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ  
СБОРНИК МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОГОВОРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

*Расмий нашр  
Официальное издание*

**Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 1-2 (73-74)-сон, 2022. — 60 б.**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2022 й.

**Таҳрир ҳайъати:**

*Тожиев Фурқат Шомуратович  
Абдуллаев Шерзод Комилович*

**Компьютерда саҳифаловчи:**  
*Қурбонбоев Шерзод Шамуратович*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.  
100060, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.  
тел.: (71) 233-38-08, (71) 233-28-18.

---

Босишга рухсат этилди 30.06.2022. Бичими 70x108<sup>1/16</sup>.  
Ҳажми 3,75 б.т. Адади 80 нусха, буюртма —  
Индекс: 949. Баҳоси келишилган нарҳда.